



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович -

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Иқтисодий фанлар кафедраси профессори,

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a42

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги омиллар таъсири эмпирик таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишига ҳудудий ЯИМ, қишлоқ хўжалиги ва саноат ҳажмининг таъсири ижобийлиги, кичик бизнес субъектлар сони таъсири салбий бўлсада, бироқ статистик аҳамияти эга эмаслиги аниқланган.

Калит сўзлар: маҳаллий ҳокимият, маҳаллий бюджет, даромад, солиқ, маҳаллий солиқ, ялпи ҳудудий маҳсулот.

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ФАКТОРОВ НА ФОРМИРОВАНИЕ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Абдуллаев Зафаржон Алиджонович -

Профессор кафедры «Экономических наук»

Университета общественной безопасности

Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье эмпирически анализируется влияние факторов на формирование доходов местных бюджетов. В результате анализа установлено, что региональный объем ВВП, сельского хозяйства и промышленности положительно влияет на формирование доходов местных бюджетов, а количество субъектов малого предпринимательства оказывает отрицательное влияние, но оно не является статистически значимым.

Ключевые слова: местное самоуправление, местный бюджет, доход, налог, местный налог, валовой региональный продукт.

ASSESSMENT OF THE INFLUENCE OF FACTORS ON THE FORMATION OF LOCAL BUDGET REVENUES

Abdullaev Zafarjon Alijonovich -

Professor of the Department of "Economic Sciences"

at the Public Security University of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article empirically analyzes the influence of factors on the formation of local budget revenues. As a result of the analysis, it was found that the influence of regional GDP, agriculture and industry volume on the formation of local budget income is positive, although the influence of the number of small business entities is negative, but it is not statistically significant.

Key words: municipality, local budget, revenue, tax, local tax, gross regional product.

Кириш. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар давлат бошқарувининг ривожланишидаги аниқ тенденциялар-муниципалитетлар мустақиллигини ривожлантириш ва уларнинг функцияларини кенгайтириш билан боғлиқдир. Бу эса маҳаллий бюджетларнинг молиялаштириш соҳасида кўшимча муаммоларни юзага келтиради. Мазкур муаммоларнинг ечими жуда мушкулдир, чунки аҳолига хизмат кўрсатиш ва тенгсиз даромад олиш имкониятлар белгилайдиган ҳудудларнинг иқтисодий потенциали бир-бирдан кескин жуда фарқ қилади. Бу долзарб муаммоларни кўпгина мамлакатларда маълум бўлган ва эҳтимол кенг қўлланилаётган даромадларни бюджетлараро қайта тақсимлашни деб номланган бюджетлараро муносабатлар ёки қарз маблағлари жалб қилиш ёрдамида ҳал этиш мумкин. Бироқ, маҳаллий бюджет ўз даромадлар базасини шакллантиришда омиллар таъсири баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда муниципалитетлар даромадларидаги

тенгсизликни ўсиши даромадни қайта тақсимлашни оптималлаштириш, жумладан, трансфертлар ҳажмини орттириш талаб қилади. Бироқ муниципалитетлар фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тизими бу муаммоларнинг ечимини тўлиқ топишга имконияти мавжуд эмас (Ginevičius ва бошқалар, 2014).

Илмий тадқиқотлар кўрсатадики, маҳаллий бюджетларни даромадлар манбасини шакллантириш масалалари молиявий-иқтисодий тадқиқотларнинг муҳим объектига айланиб бормоқда (Wenli, 2011; Shoup, 2004; Alm, Buschman, Sjoquist 2014; Cal, Garrey, Renner, Clyde, 1987; Whitney 2013; Bartle, Kriz, Morozov 2011; Zhang 2013; Haug, Nerre 2005).

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланишига кўриб чиқилаётган ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларига қараб кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Ҳудудлар иқтисодиётининг тармоқ структураси бевосита бюджет даромадларини шакллантириш

тиришга таъсир кўрсатади. Ёқилғи-энергетика саноати ривожланган муниципалитетлар, қоида тариқасида, даромад олиш учун муҳим имкониятларга эга, улар ижтимоий ва маданий муассасаларни режалаштирилган молиялаштиришни амалга ошириш учун бюджет дефицитини қоплашни мустақил равишда ҳал қилишлари мумкин. Аксинча, асосан қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлган ҳудудларнинг даромадни ошириш имкониятлари жуда чекланган бўлиб, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги ва яратилган қўшилган қийматни пастлиги билан белгиланади (Могилёв, 2013). Бунда ҳудуднинг даромадлари тушумига таъсир этувчи омиларни баҳолашда мазкур ҳудуд иқтисодиётининг тармоқ структураси (Ялпи ҳудудий махулоти таркиби) таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, маҳаллий бюджетларнинг солиқ тушумларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб корхоналар мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисобланади. Могилёв (2013) томонидан корхоналар мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматининг маълум чегарагача ўсиши маҳаллий бюджетнинг солиқ ва солиқсиз даромадларини ўртача миқдори пасайишига олиб келиши таъкидлаган. Буни корхоналарнинг мол-мулк солиғи бўйича прогрессив солиққа тортиш тизимининг мавжудлиги ёки ҳудудда мазкур солиқ бўйича озод этилган корхоналарнинг мол-мулки юқори қийматга эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижасида бюджет даромадлари тушумига корхоналар мол-мулкнинг қиймати таъсири аҳамиятсизлиги ва жисмоний шахслар даромад солиғининг аҳамиятлиги юқорилиги аниқланган. Шунингдек, бюджет даромадлари тушумига ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ва кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга бюджет харажатларини таъсири статистик аҳамиятга эга бўлган.

Евстафьева (2016) томонидан маҳаллий бюджетга солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар сифатида ҳудудий ЯИМ, аҳоли жон бошига даромад, асосий капиталга инвестициялар, ўз кучи билан реализация қилинган товар (иш, хизматлар) ҳажми, топиширилган уй-жойлар, ўртача ойлик иш ҳақи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, аҳолининг реал пул даромадлари, импорт ва экспорт товарлар, аҳоли сони олинган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот, асосий капиталга инвестициялар, ўз кучи билан реализация қилинган товар (иш, хизматлар) ҳажми, аҳоли сони, аҳолининг реал пул даромадлари таъсири юқорилиги аниқланган.

Gryhorash ва бошқаларнинг (2018) 2008 ва 2012 йиллардаги кичик бизнес товар айланмаси

ҳажми тўғрисидаги маълумотлари асосида кичик бизнесни аниқлаш мезонлари бўйича қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган корреляцион-регрессион таҳлил натижасида маҳаллий бюджет даромадлари ва кичик бизнес товар айланмаси ўртасида тўғридан-тўғри юқори боғлиқлик мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Сўнгги 10 йил ичида Украина ҳукумати ўз қонунчилигини Европа стандартларига мос келтириш жараёнини бошлаган. Жумладан, 2012 йилда қабул қилинган 4618-сон қонунга кўра, кичик ва ўрта бизнес соҳасини тартибга солишда Европа Иттифоқида қўлланиладиган мезонларни қабул қилинган.

Ўрнатилган тартибга кўра, ишловчиларнинг умумий сони 10 нафар ходимдан ва товар айланмаси 2 млн. евродан кам бўлган барча компаниялар микрофирмаларга, кичик бизнесга ишловчиларнинг умумий сони 10 дан 50 нафаргача ва 10 млн. евродан кам бўлган товар айланмаси бўлган компаниялар, 250 нафар ходим ва 50 млн. евродан ортиқ товар айланмасига эга бўлганлар йирик корхоналар сифатида таснифланган (Плетнёв ва бошқалар, 2015). Шундай қилиб, кичик бизнесни сотиш ҳажми ва маҳаллий бюджетни даромадлари ўртасида тўғридан-тўғри статистик боғлиқлик мавжудлиги аниқланган бўлиб, бу кичик бизнесни ривожлантириш маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини таъминлаш инфратузилмани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва модернизациялашга эришишнинг асосий шартидир, бундай натижага эришишда эса бюджетнинг даромадлар манбасини шакллантиришнинг самарали механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошматовнинг (2017) фикрича, турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш тизимини такомиллаштиришда ҳудуд солиқ потенциалини баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ҳисобланиш механизмини такомиллаштириш зарурдир. Маҳаллий бюджетни даромадларида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг манбасини кенгайтиришда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, қонунчиликка ўрта бизнес тушунчасини киритиш ва унинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, молиявий бозорни, хусусан фонд бозори фаолиятини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш рағбатлантириш ва солиқ имтиёзларини камайтириш муҳим омиллар ҳисобланади (Плетнёв ва бошқалар, 2015).

Gupta (2007) томондан амалга оширилган эмпирик таҳлил натижаларига кўра аҳоли жон бошига ЯИМ, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, савдони очиқлиги ва хорижий ёрдам каби таркибий омиллар бюджет даромад кўрсат-

кичларига сезиларли таъсир кўрсатиб ўтилган. Бошқа омилларга коррупция, сиёсий барқарорлик, бевосита ва билвосита солиқларнинг улуши ва бошқалар олинган. Мазкур эмпирик таҳлилда панел маълумотлар базавий регрессиясида доимий таъсирлар (fixed effect model) ва тасодифий таъсирлар билан (random effect model) моделларидан фойдаланилган. Биринчи моделда муайян мамлакатга хос айрим хусусиятлар мустақил ўзгарувчиларда ҳисобга олинмаган ва ва улар хатоликлар билан боғлиқ эмас, деб тахмин қилинган. Иккинчи моделнинг хусусияти тасодифий таъсир билан характерланади.

Таҳлилда структуравий ўзгарувчилар сифатида аҳоли жон бошига log ЯИМ, ЯИМда қишлоқ хўжалигини улуши, импортни ЯИМга нисбати, хорижий ёрдам ва қарзнинг ЯИМга нисбатлари олинган. Институционал ўзгарувчиларга коррупция, ҳуқуқ ва тартиб, ҳукумат барқарор-

лиги, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик киритилган. Тадқиқот натижаларидан биринчи ҳулоса шуки, барча мамлакатларда аҳоли жон бошига log ЯИМ коэффиценти сезиларли даражада ижобий ҳисобланади. Бу бошқа тадқиқотлар натижаларини, яъни солиқларни йиғиш ва тўлаш қобилияти ривожланиш даражаси билан ортинини тасдиқлайди.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида республикадаги 14 та ҳудуд кесимида 2008-2020 йиллар бўйича бюджет даромадлари, ҳудудий ЯИМ, инвестиция, солиқ қарздорлиги ва солиқ тўловчи юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган. Мазкур маълумотлар Молия вазирлиги, статистика қўмитаси ҳамда солиқ қўмитасининг расмий сайтида олинган. Регрессион таҳлилдан фойдаланган ҳолда панел маълумотларни қуйидаги регрессион модел асосида баҳоланган:

$$y_{it} = \alpha + \beta_1 X_{it} + \beta_2 X_{it} + \beta_3 X_{it} + \beta_4 X_{it} + \varepsilon_{it} \quad (1)$$

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Бу ерда: боғлиқ ўзгарувчи сифатида y_{it} - t даврга i ҳудуд бўйича солиқ тушумлари; α - озод ҳад; β - ўзгарувчиларни ўлчов вектори; мустақил ўзгарувчилар сифатида X_{it} - ҳудудий ЯИМ ҳажми, ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган

инвестициялар, қишлоқ хўжалиги ҳажми, саноат ҳажми ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони олинган; ε_{it} - ҳисобга олинмаган бошқа омиллар ва хатолик.

1-жадвал

Тасвирий статистика

Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
Intaxrevenue	182	6.574462	.8762239	4.368917	8.252081
lnregionalGDP	182	8.959859	.9978612	6.680227	11.39152
lninvestment	182	7.716202	1.185494	5.037602	10.82718
lnagricultural products	169	8.519332	1.045788	5.895504	10.37842
lnindustrial products	182	8.372477	1.203984	5.774466	11.10026
lnsmall business	182	9.388622	.5474742	8.159946	11.21328

Манба: Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Боғлиқ ўзгарувчи Intaxrevenue-ҳудудлар кесимидаги солиқли даромад тушумлари, мустақил ўзгарувчилар сифатида эса lnregionalGDP-ҳудудий ЯИМ, lninvestment-ҳудудлар бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар суммаси, lnagricultural-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва lnindustrial products-саноат маҳсулотлари ҳажми, lnsmall business-фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлар сони олинган бўлиб, ўзгарувчиларнинг логтрансферт шаклидан фойдаланилган (1-жадвал).

Ўтказилган таҳлил натижаларида ундирилган солиқли даромадларга ҳудудий ЯИМ, қишлоқ хўжалиги ва саноат ҳажмининг таъсири ижобий бўлиб, статистик аҳамияти юқорилиги, кичик бизнес субъектлар сони таъсири салбий бўлсада, бироқ статистик аҳамияти эга эмаслиги аниқланган (2-жадвал).

Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кичик бизнес субъектлар сони таъсирини статистик аҳамияти эга эмаслигини амалдаги солиққа тизими билан боғлиқ бўлиб, хусусан, ҳудудлар бўйича солиқ тушумларининг асосий улуши йирик солиқ тўловчилар хиссасига тўғри келиши (2019-2020 йилларда йирик солиқ тўловчиларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши мос равишда 63-65%ни ташкил қилган) ва асосий капиталга инвестициялар таркиби бўйича асосий фондларни тахминан 80 фоизи солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган ёки имтиёзлар берилган мол-мулклар ташкил этишини асосий сабаблар сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Регрессион таҳлил натижалари

	Random-effects
lnregionalGDP	0.252** (2.05)
lninvestment	0.034 (0.67)
lnagriculturalproducts	0.280*** (6.09)
lnindustrialproducts	0.235*** (3.62)
lnsmallbusiness	-0.014 (0.14)
_cons	-0.186 (0.27)
N	169

Standard errors in parentheses

***p<0.01,**p<0.05,*p<0.1

Тадқиқот натижаларида барча мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадалрига ҳуудий ЯИМнинг таъсири сезиларли даражада ижобий аниқланган. Бу бошқа тадқиқотлар натижаларини, яъни ҳудудлар маҳаллий бюджет солиқли даромадларни базасини кенгайтириши мазкур ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқлигини тасдиқлайди. Шунингдек, олинган натижаларда ЯИМда қишлоқ хўжалигини улуши ва даромад ўртасида кучли салбий боғланиш мавжудлигини кўрсатган. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳаси улушининг 1 фоизга ўсиши бюджетга даромад тушумини 0,4 фоизгача камайтириши мумкин. Бу муносабатлар тақлиф томонида ҳам, талаб томонида ҳам ишлаши мумкин. Тақлиф томонидан, агар қишлоқ хўжалиги секторининг катта қисми натурал хўжалик хиссасига тўғри келса, унда бу секторни солиққа тортиш мураккаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бундай ҳолатда қишлоқ хўжалиги соҳасини солиққа тортиш бу сиёсий жиҳатдан имкониятсиз бўлиши мумкин. Бошқа томондан, йирик қишлоқ хўжалиги сектори одатда шаҳарларда давлатни товарлар ва хизматларга сарф-харажатларга бўлган эҳтиёжни камайтириши мумкин.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг очиқлиги ва даромадлилик ўртасида ҳам кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Масалан, импортнинг ЯИМна нисбатини 1 фоизга ўсиши, бюджет тушумини ўртача 0,15 фоизгача ошишига олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, шундай ҳулоса қилиш мумкин, савдо билан боғлиқ солиқларни қўллаш осонроқ, чунки товарлар муайян мамлакатлардан импорт қилинади ёки мамлакатларга экспорт қилинади. Шу билан бирга, хориждан маблағлар асосан кредит шаклида тақдим қилинганда, бунда келгусидаги тўланадиган кредит ва фоиз тўловларини юки ҳукуматни даромадларни жалб қилишга рағбатланти-

риши мумкин. Бироқ, грантлар шаклидаги хориждан олинган маблағлар агарда солиқ базасини оширишга рағбатлантиришни камайтирса, маънавий риск боғлиқ муаммони юзага келтириши мумкин (Gupta, 2007).

Умуман олганда, бюджет даромадларига турли омилларни баҳолаш бўйича олиб борилган панель маълумотлари асосида амалга оширилган турли шаклдаги эмпирик таҳлил натижаларида бюджет даромадларига таъсир этувчи асосий омилларга аҳоли жон бошига ЯИМ, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, иқтисодиётнинг очиқлиги, хориждан жалб этилган маблағлар, коррупция, сиёсий-иқтисодий барқарорлик ва солиқ тушумининг ўзига хос манбаларни киритиш мумкин.

Хулоса ва тақлифлар. Бюджет даромадларига турли омилларни баҳолаш бўйича олиб борилган аксарият таҳлиллар панель маълумотлари асосида амалга оширилган. Бюджет даромадларига таъсир этувчи асосий омилларга аҳоли жон бошига ЯИМ, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, иқтисодиётнинг очиқлиги, хориждан жалб этилган маблағлар, коррупция, сиёсий-иқтисодий барқарорлик ва солиқ тушумининг ўзига хос манбаларни киритиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан биринчи ҳулоса шуки, олиб борилган эмпирик таҳлилларда барча мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадларига ҳудудий ЯИМ сезиларли даражада ижобий таъсир этиши аниқланган. Бу бошқа тадқиқотлар натижаларини, яъни солиқларни йиғиш ва тўлаш қобилияти ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан ортисини тасдиқлайди.

Амалга оширилган регрессион таҳлил натижасида бюджет даромадлари тушумига корхоналар мол-мулкнинг қиймати таъсири аҳамиятсизлиги ва жисмоний шахслар даромад солиғининг аҳамиятлиги юқорилиги аниқланган.

Шунингдек, бюджет даромадлари тушумига худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси, худудий ялпи маҳсулот, асосий капиталга инвестициялар, ўз кучи билан реализация

қилинган товар (иш, хизматлар) ҳажми, аҳоли сони, аҳолининг реал пул даромадлари таъсири юқоридир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alm, J., Buschman R. D., Sjoquist D. L. 2014. Foreclosures and local government revenues from the property tax: the case of Georgia school districts, *Regional Science and Urban Economics* 46: 1-11.
2. Bartle, J. R.; Kriz, K. A.; Morozov, B. 2011. Local government revenue structure: trends and challenges, *Journal of Public Budgeting, Accounting & Financial Management* 23(2): 268-288.
3. Cal, C., Garrey, C., Renner H. K., Clyde E. 1987. Local government revenue policies in New Mexico, *International Journal of Public Administration* 9(5): 469-484.
4. Ginevičius R. et al. 2014. Regional Differentiation of Revenues Collected by Local Governments of Lithuania. <https://www.researchgate.net/publ>.
5. Gupta A.S. 2007. Determinants of tax revenue efforts in developing countries //IMF Working Paper. <https://www.imf.org/external/pubs>.
6. Haug P.; Nerre B. 2005. Revenue boosting instruments in municipal finance from a public choice perspective: the case of Germany, in *Proceedings of the Annual Conference on Taxation, 17-19 November 2005, Miami, Florida, 207-216*. Regional Differentiation of Revenues Collected by Local Governments of Lithuania. <http://bme.vgtu.lt>.
7. Hryhorash O. and et.al. 2018. The development of small business as a source of formation of local budget revenues in Ukraine. *Investment Management and Financial Innovations*, Volume 15, Issue 1.139p.
8. Shoup, D. C. 2004. The ideal source of local public revenue, *Regional Science and Urban Economics* 34(6): 753-784.
9. Wenli, Y. 2011. The interactive effect of revenue diversification and economic base on US local government revenue stability, *Public Money & Management* 31(6): 419-426.
10. Whitney, B. A. 2013. Diversification toward stability? The effect of local taxes on own source revenue, *Journal of Public Budgeting, Accounting & Financial Management* 25(4): 649-675.
11. Zhang, G. 2013. The impacts of intergovernmental transfers on local governments' fiscal behavior in China: a cross-county analysis, *Australian Journal of Public Administration* 72(3): 264-278.
12. Евстафьева А.Х. 2016. Налоговый потенциал региона: оценка и прогнозирование (на примере республики Татарстан). //Вопросы региональной экономики 3 (28).С. 97-105.
13. Мозилёв С.В. 2013. Анализ социально-экономических факторов доходов местных бюджетов. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=20933579>.
14. Плетнёв Д.А., Николаева Е.В. Кампа А. 2015. Сравнительный анализ критериев отнесения предприятий к малому и среднему бизнесу в разных странах. <https://cyberleninka.ru/article>.
15. Тошматов Ш.А. 2017. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари //Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 10 ноябрь. – Т.:ТДИУ. 6.27-28.
16. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321-328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
17. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. *Экономика и образование*, (6), 86-91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
18. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
19. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
20. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
21. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси." //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
22. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
23. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилининг ўрганиш зарурати. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
24. Курбанов З, Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
25. Исаев, Ф. (2022). Ресурс солиқлари таҳлилининг ташкил этиш методикаси. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
26. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
27. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
28. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.